

Болалар учун ибратли эртаклар

20:12 / 19.04.2017 52070

Бисмиллоҳ

“Ойижон! Ойижон! Артурларникига тушликка босам майлими?” – Жамол шундай дея уйга югуриб кирди.

“Унинг ойиси сени таклиф қилдимми?” – меҳмонхонадан овоз берди ойиси.

“Ҳа” – жавоб берди Жамол, улар Артур билан мени бирга тушлик қилгани чақиришди”.

“Тушликка нима қилишаркан?” – сўради ойиси.

“Чўчқа гўшти бўлмайдими, ойижон”, жавоб қилди Жамол, улар мен фақат балиқ гўшти ейишимни билишади, шунинг учун ҳам Артурнинг ойиси картошка билан қовурилган балиқ пиширишга ваъда берди”.

“Яхши, борақол”, рухсат берди ойиси.

“Ура”, бақирди Жамол ва яна чиқиш ешиги томон югуриб кетди.

“Мен тахминан бир соатларда сени олиб кетгани кираман”, деди ойиси, баъзи маҳсулотларни сотиб олиш учун дўконга боришимиз керак”.

Жамол дала-ҳовлининг дарвозасидан югуриб чиқди. Артур уларга қўшни, шундоққина икки уч ҳовли узоқроқда яшар эди. Ва бир неча дақиқалардан сўнг Жамол ўз танишининг уйи ёнгинасида турарди. У ешикни тақиллатди.

“Киравер”, таклиф қилид Артур.

Жамол ошхонага кирди. “Ҳаммаси жойида, менга рухсат беришди”, деди у, мен сизларникида тушлик қилишим мумкин”.

“Яхши” – сўз қотди Артурнинг ойиси.

“Ойим мени дўкон ёпилгунга қадар улгуришимиз учун бир соатдан кейин олиб кетишга ваъда бердилар”, деди Жамол.

“Унда беш дақиқалардан кейин қўлларингизни ювинг ва овқатга ўтиринг”, деди Артурнинг ойиси, тушлик деярли тайёр”.

Артур оромкурсида ўтириб, китоб варақлаётган эди. “Сен бунга бир қара!” – Жамолни чақирди у.

Жамол унинг ёнига ўтирди ва биргаликда суратларни томоша қила бошлади. Бу китоб китлар ҳақида эди суратда кема ва унинг ёнида баҳайбат кит тасвирланган эди.

“Артур, музлатгичдан шарбатни олиб, қуйгин, илтимос” – ойиси ундан сўради.

Артур китобни Жамолга бериб, ўзи шарбат қуйишга турди.

Бир неча дақиқадан сўнг болалар қўлларини ювиб, дастурхон атрофига ўтиришди.

“Болажоним, сен шарбатларни қуй, мен еса унгача картошка ва балиқни сузаман” – таъкидлади ойиси.

Артур стаканни апельсин шарбати билан тўлдирди. Ойиси еса уларнинг олдига яқиндагина қовурилган балиқ ва димланган картошкали икки катта лycopча ни қўйди.

“Раҳмат”, деди Жамол. Ундан кейин “Бисмиллоҳ” деб овқатлана бошлади.

“Десертга шоколадли торт” – деди ойиси.

“Ура”, хурсанд бўлди Артур. Бироқ у ҳалиям китобни томоша қилишда давом этаверди.

“Артур”, овқатланиб бўлгунингча китобни чеккага олиб қўй”, деди ойиси.

Артур ёқар-ёқмас китобни ёпди. Ва болалар китлар ҳақида гаплаша бошлашди.

Таомланиб бўлгач, болалар идишларни чеккага олиб қўйишди. Ўша вақтда Артурнинг ойиси тортни кесди. Ва ҳали лycopчаларга қўйиб улгурмаган ҳам эдики, эшик қўнғироғи чалинди. У топртни олиб қўйиб, эшикка йўл олди. Эшик ёнида Жамолнинг ойиси турарди.

“Салом Марям, киринг, марҳамат”, деди Артурнинг ойиси, столга ўтиринг, биз эндигина десертни бошлаётган эдик”, таклиф қилди у. “Балки ундан олдин картошка ва балиқ сузарман?”- қўшимча қилди у.

“Йўқ, йўқ раҳмат Надя”- жавоб қилди Жамолнинг ойиси, мен ҳозиргина тушлик қилдим. Шунчаки сен сўраган китоб ва журналларни бериш, тушунмаган жойларни тушунтириш учун сал вақтлироқ келган эдим”.

Артурнинг ойиси бева эди. Улар ўғли билан яқиндагина бу районга кўчиб келишган эди. Ва Жамолнинг ойиси ҳамда бошқа асосий қисми мусулмон бўлган қўшнилари билан танишгач, ойиси Исломга қизиқиб қолди ва ундан бошловчилар учун ўқишга китоб беришини сўради.

“Вой ҳа, раҳмат” – деди Артурнинг ойиси, бир дақиқа кутиб тур, мен ҳозир болаларга чой қуйиб берай”.

У болаларни олдига кесилган торт ва бир пиёладан чой қўйди.

Жамол қошиқни кўтараётиб “Бисмиллоҳ” деди ва тортни ейишни бошлади.

“Нима бу?” –сўради Артур.

“Нимани сўраяпсан?” – тушунмади Жамол.

“Мен мана бу сирли сўз ҳақида, овқатланишдан олдин доим такрорлайдиган сўзинг борку” – тушунтирди Артур.

“Ҳа, тушунарли” , деди Жамол. У бир неча сония ўйлаб қолди. “Бу арабчада “энди мен ейишим мумкин”деган маънони англатади” деди ва торт ейишда давом этди.

Ширинликни тугатгач, Жамол Артурнинг ойисига тушлик учун миннатдорчилик билдириб чиқишга тараддудланди. Бир неча дақиқадан сўнг у машинада ўтирарди.

“Мен Артурга нима деб жавоб берганингни эшитдим” – деди ойиси кулиб, сен “Бисмиллаҳ” “энди мен ейишим мумкин” деган маънони англатади деб ўйлайсанми?”

“Албатта”, деди Жамол, биз доим овқатланиш олдидан шундай деймиз”.

“Лекин мен ҳар сафар машинага ўтирганимда ҳам шундай дейман-ку, деди ойиси.

“Ҳа, бу тўғри” – ўйлаб қолди Жамол. Энди у бу сўзлар таржимасида ҳақ еканлигига ишончи комил емас эди.

“Алҳамдулиллаҳ сенингча нимани англатади?” – давом етди ойиси.

“Ахир, бу жуда оддийку”, тезда жавоб берди Жамол, бу “яхши, аъло” деган маънони билдиради.

Ойиси қониқмаганнамо бошини чайқади. “Қизиқ, “Астоғфуриллоҳ” сўзининг маъносини биласанми?”

“Биламан деб ўйлайман”- деди энди ишончсизроқ. Ойисининг юз ўзгаришларига қараганда унинг жавоблари у даражада тўғри емасдек эди. “Менимча, “кечир” деган маънони англатади. Йўқ, йўқ, аниқроғи “ёмон бола” дегани бўлса керак”.

Ойиси чуқур нафас олди ва ўйга толди. Сўнг ниманидир эслаб кулиб юборди.

“Сен умуман хато айтдинг”, деди у боласига табассум билан қараб, ўйлайманки, сенга араб тилидан озгина ёрдам керак. Лекин, бу сенинг айбинг емас. Бу ҳақда яхшиси уйда гаплашамиз”.

Ўша кеча ойиси Жамолнинг отасига мурожаат қилди.

“Биз унга бу сўзлар нимани англатишини ётиғи билан тушунтиришимиз лозим” – деди у, акс ҳолда у бу сўзларниқўлласа-да, лекин маъносини билмайди. Масалан, Жамол “Астоғфуриллоҳ”ни “ёмон бола” деб таржима қилди”.

Отаси кулди. “Бу бизнинг айбимиз”, деди у. “Ахир Жамол ўзини ёмон тутган пайтда доим “Астоғфуриллоҳ” деймиз. Бу бизнинг хатоимиз. Мен ҳозир унга тушунтиришга ҳаракат қиламан”.

Отаси Жамолни қидириб чиқди. Болалар уйда уни топмасдан ҳовлига чиқди. Жамол арғамчида учаётган эди.

“Дада, мени учиринг” – деди отасини кўрган Жамол.

“Жоним билан” – деди отаси. У арғамчини ёнига келди ва учира бошлади. Бироқ бундан олдин у “Бисмиллоҳ” деди.

Арғамчи баландга учди.

“Қойил!” – бақирди Жамол қониқиб.

“Ўғилтойим, биласанми мен ҳозир нега “Бисмиллоҳ” дедим?” – сўради отаси.

“Биз бирор иш бошладан олдин доим шундай деймиз” – деди Жамол.

“Тўғри” – деди отаси, унда сен бу сўз “мен овқатланишим мумкин” деган маънони англатмаслигини сен билишинг керак а?”

“Албатта. Бу “Мен бошляпман” деган маънони билдиради”.

“Йўқ, азизим” – деди отаси, бу сўз Аллоҳ номи билан деган маънони англатади. Биз мусулмонлар буни бирор ишга киришишдан олдин, у шунчаки китоб варақлаш бўладими ёки томоқни чайиш шу сўзни айтишади. Ва бу сўзнинг айтилиши Аллоҳнинг раҳмати ва мададини беради”.

“Менимча мен буни билардим, эсимдан чиққан” – ўзини оқлашга уринди Жамол.

“Еҳтимол”, - деди отаси. Бироқ энди сен “Бисмиллоҳ”нинг қийматини билишинг ва уни шунчаки айтиш емас, балки “Аллоҳ номи билан” бирор ишга киришганингни билишинг лозим”.

Шу гапни айта туриб отаси ўғлини учуришда давом етди. Шу аснода ўғлига яна савол берди, сен бирор нимани синдирсанг нима дейсан?

“Астаффуриллаҳ” – жавоб берди ўғли.

“Бу сўз нимани билдиради?”

“Менимча “кечиринг” ёки шунга ўхшаш ниманидир” – жавоб берди Жамол.

“Деярли тўғри” , деди отаси. Аниқ еса “Аллоҳим, мени кечир” дегани. Бу сўз сен нотўғри иш қилганингда, хато қилганингда айтилади.

“Тўппа-тўғри, мен буни билардим-ку!” – бақириб юборди Жамол.

“Ва бу аслида “ёмон бола” деган маънони англатмайди, шундай емасми?”

“Йўқ” – жавоб берди Жамол. Лекин баъзида онам билан сиз бу сўзни шундай ишлатасизларки, мана мен чалкаштириб юбордим.

“Биламан, биламан” – деди отаси, бу бизнинг хатомиз ва бугундан бошлаб сен бизга яна хато қилсак, эслатиб турасан, келишдикми?”

Бу нимадир бошқача янгилик эди. Демак, ота – она ҳам адашиши мумкин. Ва отам ўзлари бизни тузатиб тур деб сўраяптилар... Жамолга отасининг

ғояси ёқди.

“Албатта, отажон”, жавоб берди ўғли.

Отаси кулди. “Қачон тўғри жавобни эшитганда нима дейишади?”

“Алҳамдулиллаҳ” – кутмасдан туриб жавоб қилди Жамол.

“Тўғри. Бу нимани англатади?”

Жамол ўйлаб қолди. У бу сафар хато қилмасликни жуда истаганди. У шунчалик кўп ўйладики, арғамчи учишдан тўхтади. “Эсладим, эсладим”, - қувониб бақирди Жамол. “Бу сўз “Барча ҳамдлар Аллоҳга” деган маънони билдиради”.

“Алҳамдулиллаҳ!”, хурсанд бўлди отаси, тўғри!”

“Шунингдек биз бу сўзни “қалайсан, ишларинг қалай, соғликларинг жойидами ва бошқа шунга ўхшаш саволлар” берилганда ҳам “Алҳамдулиллаҳ” деб жавоб берамиз ва шундай жавоб қилиниши лозим”.

Бу вақтга келиб арғамчилар тўхтади. Отаси Жамолга қараб сирли кулди.

“Биласанми мен сенга нимани таклиф қиламан?” – бошлади отаси.

“Нима?”, сўради Жамол.

“Кел, агар ҳозирги сўзларни кераксиз вазиятда нотўғри қўлласак сен бизга эслатасан, биз еса сенга. Қалай, бўладими?”

“Бўлади”, жавоб берди Жамол, шу пайтда ўзини катталардек ҳис қилди. Бўлмасамчи, ахир у энди ота – онасига ёрдам бериши мумкин. Ва улар биргаликда келажакда унга хато қилмасликда ёрдам беришади.

Отаси қўлини ўғлини елкасига қўйди. “Энди уйга кетдик, шом намозининг вақти бўляпти” – деди отаси, бу эслатма, шундай эмасми, кулди Жамол.

“Ҳа. Бу ҳам ўз маъносидаги эслатма” – жавоб қилди отаси.

Улар уйга киришди.

Оилавий шом намозини адо қилиб бўлишгач, кечки овқатни тановул қилиш учун стол атрофига ўтиришди. Ошхонага кетавериш асносида отаси Жамолдан нимадир муҳим нарсани сўради. У Жамолдан овқатланишдан олдин “Бисмиллоҳ” дейишни ва қоғозда ёзиб берган махсус дуони ўқишни

айтди.

Ҳамма стол атрофига ўтиришди. Ва ҳамма овқат сузилгач, Жамол “Бисмиллоҳ” деди ва ҳамма Жамолдан сўнг овқатдан олдин айтиладиган дуони қайтаришди:

“Аллоҳумма баарик лана фи ма разақтана ва қийна азабан - наар”.

Ўша оқшом Жамолга овқат янада мазалироқ туюлди.

Жамолнинг мураббоси

Бир марта Жамол мактабдан уйга келди. У жуда оч эди.

“Ассаламу алайкум”, деди ойисига.

“Ваалайкум ассалам”, жавоб берди у, мактабда ишлар қалай?”

“Ҳаммаси жойида, алҳамдулиллаҳ”, жавоб берди Жамол. “Мени қорним оч, бирор нарса егим келяпти.”

“Яхши, деди онаси, столга ўтир”.

Айнан ўша пайтда телефон жиринглади. Жамолнинг ойиси гўшакни кўтарди ва гаплашишни бошлади.

Шу вақт Жамолнинг катта акаси Муҳаммад ошхонага келди.

“Мен бирор нарса тановул қилсамми деб турибман”, деди у.

“Менга ҳам бирор нарса тайёрлаб бера оласанми?” - сўради Жамол ундан.

“Окей, деди Муҳаммад, нима хоҳлайсан, шахсан мен сут ва ёғли нон ейман”.

“Менга ҳам, деди Жамол, яна мураббо ҳам егим келяпти”.

Муҳаммад нон, сут ва ёғни столга олиб қўйди. У барча токчаларни кўриб чиқди, лекин мураббони тополмади. Шу пайт уларнинг синглиси Фатима келди.

“Мен ҳам бирор нима ейишни хоҳлайман”, деди у стол атрофига ўтираркан.

“Биз ёғли нон билан сут ичишни мўлжаллаяпмиз”, деди Муҳаммад.

“Ваа мураббо ҳам”, қўшимча қилди Жамол.

“Лекин мен ҳеч қандай мураббони тополмадим”, қўли билан ишора қилди Муҳаммад.

“Мен мураббо хоҳлайман”, туриб олди Жамол.

Муҳаммад бошини чайқади.

“Сут ва ёғли нон менга етади”, деди Фатима.

Муҳаммад ликопчага 3 бўлак нон қўйди, уларга ёғ суртди ва 3 стаканга сут солиб столга қўйди ва таомланиш учун ўтирди.

У ва Фатима “Бисмиллаҳ” деб ейишни бошлашди.

Жамол емади. У қайсарлик билан мураббо истарди ва бошқа ҳеч нима егиси келмаётган эди.

Бу вақтда уларнинг оёиси телефонда суҳбатни тугатиб столга яқинлашди ва “азизларим, овқатланиб бўлгач, дарсларингизни қилишга киришинг” деди.

Муҳаммад ва Фатима таомланиб бўлиб кетишди. Жамол еса овқатга қўл ҳам узатмади. У ўз ликопчасига ёқинқирамай қараб тураверди.

“Мен мураббо ейишни хоҳлайман!”, дея такрорлади.

Жамолнинг онаси ўғлига қаради ва кулди. “Лекин бизда мураббо йўқ, деди у, биламан мураббони яхши кўрасан, аммо айнан ҳозир у бизда йўқ. “Бисмиллаҳ” де ва ейишни бошла”.

“Мен қаерда мураббо борлигини биламан”, деди Жамол.

“Сен у ҳақидами, деди Жамолнинг оёиси, бу мураббо махсус бувингга совға, бу сўнгги банка”.

У ўғлини бошини меҳр билан силади, “энди “Бисмиллаҳ” де ва овқатланишни бошла”.

Жамол егиси келмади. У мураббо хоҳларди, лекин мураббо бувиси учун эди.

Жамол ўтириб ликопчага тикилди. Шунда у ўйлади, бувим қарши бўлмайдилар. У киши аксинча бўлишганларидан хурсанд бўладилар. Шунинг учун озроқ олсам ҳечқиси йўқ, ҳеч ким пайқамайди.

Жамол мураббо турган томонга қаради.

У яна ўйлади. Бу ўғрилиқ емасми? Йўқ, ундай ўйламайман. Мен озгина оламан, холос, ҳеч ким билмайди.

Шунда у турди ва стулни ошхона шкафи яқинига қўйди. Унга чиқиб, банкага қўл узатди.

Буни қилатуриб Жамол ўзини ёмон ҳис қилди.

Қўрқинчли ери йўқ, ўзини тинчлантирди у, ҳеч ким билмайди.

Жамол банкани очди, қўлини мураббога ботириб, ялаб олди. Мм.. қандай мазааа. Энди у виждонига қулоқ солмас эди.

У пичоқни олди ва ўз нонига суртди. Жамол мураббони шундай яхши кўрадики! У ҳатто оз олишини ҳам унутган эди. Кейин банкага қараб хафа бўлди: еҳҳ, мен жуда кўп олибман-ку!

У озроқ мураббони бутерброддан қайта банкага солишга уринди.

Энди банкада ёғ ҳам аралашди. Бу ҳам етмагандай, мураббо энди унинг қўлида эди ва ҳатто банка атрофларида ҳам, столга ҳам мураббо эди.

“Жамол, нима қилиб қўйдинг?”

Унинг онаси ешик олдида ўғлига қараб турарди.

Жамол қўлига қаради ва йиғлаб юборди.

“Сен қулоқсиз боласан, деди ойиси. Ахир сен буни сеники емаслигини билардингку. Энди тез қўлингни юв ва хонангга бор”.

Жамол хонасига югуриб кетди.

У тўшақда ётиб йиғлади.. Аввалига у хафа бўлди, кейин жаҳли чиқди, энди қўрқиб кетди.

Шу пайт хонасига отаси келди. “Сен яхши иш қилмабсан, деди у, ўзингга тегишли бўлмаган нарсани олибсан”.

Жамол жавоб бермади. У хижолат бўлиб ерга қаради.

“Сенинг бу қилмишингга ном бор, деди отаси, сен ўзинг буни қандай аталишини биласан...”

Жамол яна йиғлади. У шунда ҳам ҳеч нима демади. Шундан кейин у “мен шунчаки мураббо егим келганди. Фақат озгина. Кейин мен банкани жойига қўймоқчи эдим ва ҳеч ким билмасди. Дада мен буни ўғрилиқ эканини билмаган эдим” дея ёлдиради.

“Ҳечқиси йўқ”, деди отаси ўғлига.

Жамол ҳалиям йиғлар эди. Ҳа, энди сиз ойим билан мендан хафа бўласизлар. Ва бувим ҳам мендан рози бўлмайдилар. Шундан кейин Жамолнинг кўзи очилди: Ва Аллоҳ ҳам бу ишимдан рози бўлмайди қўшимча қилди Жамол.

“Хавотирланма, тинчлантирди отаси. Биз буни тузатишга ҳаракат қиламиз”.

“Қандай?”, сўради Жамол.

“Биринчидан сен ўзинг хафа қилган кишилардан кечирим сўрашинг керак. Кейин Аллоҳга тавба қиласан. Ва бундан сўнг ҳеч қачон бу ишни қайтармайсан”.

Жамолга бу фикр ёқди лекин барибир қўрқиб турарди. “Агар мен есимдан чиқариб, яна қилиб қўйсамчи?, сўради у.

“Ўйлайманки, мен сенга бу воқеани еслатиб унутмаслигингга ёрдам бериб тураман”, умидлантирди отаси.

“Айтчи, бизга ким таом беради?”, сўради у.

“Аллоҳ”, жавоб берди Жамол.

“Бизга ким мевалар пишиб етилиши учун ёмғирни юборади?”

“Аллоҳ”, жавоб берди Жамол.

“Ким бизни доим кузатиб туради? Ким биз қаерда бўлмайлик, нима қилаётганимизни билиб туради?”

“Аллоҳ”, Жамол янада пастроқ жавоб берди. Энди у ўзини ёмон ҳис қилди. У Аллоҳ уни мураббо олаётганини кўрганини биларди.

“Агар биз Аллоҳ ҳақида ўйласак, ҳеч қачон ёмон иш қилмаймиз, деди отаси. Агар биз доим Аллоҳ мени кўриб турибди десак, гуноҳга қўл урмаймиз. Энди бор ювин ва кейин пастга туш. Менинг сенга совғам бор”.

Жамол ювинаётиб ўйлади. Ва нега отам менга совға беряпти?

Жамол пастга тушди. У ерда уни ота-онаси кутиб туришарди.

“Мени кечиринг, ойижон”, деди Жамол. “Мени кечиринг отажон”.

Жамолнинг отаси табассум қилди ва мураббо банкасини олиб келди.

“Ма, ол, деди у ўғлига, бу сенга совға”.

Жамол отасига қаради.

“Олавер, деди отаси, бу энди сенга. Энди ундан қанча хоҳласанг шунча ейишинг мумкин, фақат бир шарт билан, қўшимча қилди у. сен бу мураббони ҳеч ким кўрмайдиган ерда ейишинг керак. Сен истаганингча егинки, сени ҳеч ким кўрмасин”.

Жамол аввал мураббога, кейин отасига қаради.

“Бор деди отаси, ва буни ҳеч ким кўрмайдиган ерда е..”

Жамол меҳмонхонага борди. У ерда Жамолнинг ойиси тўқиш билан овора эди.

Бу тўғри келмайдиган жой, ўйлади Жамол. Ойим кўрадилар.

Жамол у ердан чиқди ва ўз хонасига йўл олди. У банкани очишга чоғланган эди ҳамки, Муҳаммад кириб қолди.

Яна тўғри келмайдиган жой. Муҳаммад мени кўриб қолади, ўйлади Жамол ва Фатиманинг хонасига йўл олди. Бироқ у ерда опаси араб тилидан уй вазифасини қилаётган эди. У укасини келганини сезди.

“О Жамол, бир дақиқага мумкинми?, чақирди акасини. Араб тилида чидаш қандай бўлишини биласанми?”

“Албатта биламан, деди Жамол, чидам арабчада сабр деилади”.

“Шукран я ахий”, миннатдорчилик билдирди Фатима. Гарчи уларнинг она тили инглиз тили бўлса-да, улар баъзида араб тилида гаплашиб туришарди, айниқса янги сўз ёдлаганда.

“Афуан, я ухти”, жавоб қилди Жамол.

“Жамол, нега мурабболи банка билан уйда юрибсан?”

Жамол унга отаси берганини, ва буни ҳеч ким кўрмайдиган жойда ейишини айтганини айтди.

Фатима кулди ва “нима ҳам дердим, омад сенга Жамол”, деди..

Жамолни ҳайрон қилгани у мураббони бўлишишни сўрамагани бўлди, чунки у ҳам мураббони жуда яхши кўрарди.

“Ҳа,ҳа, деди Жамол, наҳотки бундай жойни топиш шунчалар қийин?”

Шунда Жамол отасининг хонасига борди. Отасининг тафсир ўқиётганини кўриб безовта қилмаслик учун ешикни секингина ёпди.

Кейин у яна ўйладим, қаерга борсам экан?

“Оҳҳ, менда фикр бор!”, деди у ва ҳаммомга кирди.

Жамол ешикни ёпди, ванна четига ўтириб банкани оча бошлади.

Шу ерда у қушларнинг чуғурлашини ешитди. У деразадан ташқарига қаради. Дарахт шохида қушча ўтирарди.

“Эҳҳ йўқ, хўрсинди Жамол, қуш мени кўриши мумкин”.

Жамол нимадир ўйлаб топишга ҳаракат қиларди. Ўйлашимча пастга бориш керак.

Жамол зинадан болалар хонасига тушди. Энди у ёлғиз эди. Ҳеч ким мени кўрмайди деди у полга ўтира туриб. Ҳа, у бир ўзи эди.

Тасодифан у овозни ешитди. “Мяу”, бу уларнинг мушуги эди.

“Сен бу ерда нима қиляпсан а?”, деди Жамол.

“Мяу”, яна овоз чиқарди мушук.

“Хўш, энди мен қаерга борсам а?”, кайфияти бузилди Жамолнинг.

Бирдан юзи ёришиб кетди.

“Мен биламан қаерга боришни!”, хурсанд бўлди у ва зина остида ота – онаси баъзи нарсаларни сақлайдиган қоронғу хонага йўл олди.

Жамол у ерга кирди ва ешикни ёпди.

Бу вазиятда ушбу жой енг яхши жой эди. Хона жуда қоронғу эди.

Жамол аталган банкани олди. У бундай зулматда уни кўра олмади ҳам.

“Ҳеч ким мени кўролмайди, бу ерда умуман қоронғулик, ўйлади у банка оғзини очиб, мени ойим отам ҳам, ва ҳатто мушугимиз ҳам кўролмайди бу ерда. Ҳеч ким мени қоронғуда кўрмайди.”

Кейин Жамол ўйлай бошлади.

“Лекин кимдир мени шундай зулматда ҳам кўряпти, бирдан ўйлади у, ҳаа, Аллоҳ мен яхшироқ яширинсам ҳам, барибир кўради. Ва у мен қилаётган барча ишни кўра олади!”

Жамол банка оғзини қайта ёпди. Ва ниҳоят унинг опаси нега кулганини тушунди. Ва энди у қатъий тушундики, бу мураббони ҳеч ким кўрмайдиган ерда ҳеч қачон ея олмайди! Аллоҳ уни ҳар қачон ва ҳар қаерда кўриб туради.

Жамол ошхонага қайтиб борди ва отасига банкани бера туриб шундай деди: “Мен бу мураббони ея олмайман”.

“Лекин нега”, кулмисиради отаси.

“Чунки Аллоҳ мени истаган ерда кўриши мумкин”, жавоб берди ўғли.

Жамолнинг отаси бундай жавобни ешитиб жуда хурсанд бўлди. У жЖамолга яқинлашди ва юзидан ўпди.

“Ана энди сен жуда муҳим нарсани ўргандинг. Ва бу ИншаАллоҳ сени гуноҳ ишлардан асрайди”, деди Жамолнинг отаси.

“Ҳа, деди Жамолнинг ойиси, ўфилтойим, энди мен билан дўконга борасан ва биз бувинг учун битта ҳамда сен учун битта мураббо сотиб оламиз”.

“Ура!, хурсанд бўлди Жамол, мен энди бу янги мураббони ея оламан”.

Энди у жуда бахтли эди, “қандай соз, бу мураббо махсус мен учун бўлади ва мен уни Аллоҳ кўз олдида ҳам ея оламан!”

Гўзал Аҳлиддин қизи